

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ЎРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида  
иқтисодиётни яна-да либераллаштиришнинг устувор  
йўналишлари”**

мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

(Урганч, 2017 йил 25 ноябрь, 2-қисм)

Урганч – 2017

65.23(5Ў)

И 35

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни яна-да либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Маъсул муҳаррир **С.К.Салаев**. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Урганч Давлат университети. Урганч, УрДУ ноширлик бўлими. 2017 йил, 2-қисм, 142 бет.

КБК 65.23(5Ў)

УЎК 330.341

Тўпلامга миқдорий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни яна-да мустаҳкамлаш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, қишлоқ жойларида ва ҳўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экологик жараёнларни такомиллаштириш масалалари, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, корпоратив бошқарувнинг мавқени яна-да кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, минтакалар ва ҳудудларни комплекс ҳамда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари, банк ва молия тизимидаги ислохотлар, ташқи иқтисодий фаолият ва экспорт соҳасини тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бандлик, ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш, ҳуқуқий, таълим, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларидаги ислохотларни яна-да чуқурлаштиришга оид материаллар киритилган.

Тўпلام иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган, илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, таянч докторантлар, мутахассислар, мустақил изланувчи ва магистрлар учун мўлжалланган.

**Маъсул муҳаррир**

**С.К.Салаев.**

**Таҳрир хайъати:**

**А.С.Садуллаев,  
И.С.Абдуллаев,  
У.Р.Матякубов,  
Ф.О.Абдуллаев,  
Д.Т.Худайберганов,  
Б.Н.Эгамов,  
Ш.Б.Рузметов,  
К.Э.Раджапов,  
М.А.Гулманов,  
Б.Р.Матжонов.**

**Тақризчилар:**

**Б.Р.Рузметов, и.ф.д., проф.,  
Т.Д.Досчанов, и.ф.д., проф.**

ISBN: 978-9943-4952-8-9

© УрДУ ноширлик бўлими, 2017.

© “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари.

яратилади, соҳага алоқадор мутасаддиларнинг вазифалари аниқ белгиланиб, уларнинг жавобгарлиги кучайтирилади, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. “Томорка – қўшимча даромад манбаи!” шиори остида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилади, ер эгаларининг билим ҳамда тажрибалари оширилади, улар зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминланади.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда соҳадаги фаолиятни назоратга олишда давлат органларининг вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, 2018 йил ҳосилидан бошлаб фермер хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорка ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш натижадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилади. Бу, ўз навбатида, аҳолида ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради, фермер, деҳқон хўжаликларида ерлардан унумли фойдаланиш буйича янги чораларни кўриш ва татбиқ этишга туртки беради.

Шунингдек, парламент қўйи палатаси депутатлари ҳудудларда, энг аввало, қишлоқ хўжалиги шароитлари яомгир бўлган туман-ларда, фермер хўжаликларидаги экин экиш аҳволини ҳар ойда ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар кўриши лозимлиги белгилаб берилган.

Мамлакатимиз бўйлаб 2018 йил 1 октябрга қадар барча экин майдонлари тўлиқ ҳатловдан ўтказилиши фармоннинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистонни яна-да ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини яна-да ривожлантириш бўйича муҳим тадбирлар белгиланган бўлиб, ушбу фармон унинг ижросида асосий мезон бўлиши баробарида, фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқишда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатда илгари қўйилган вазифалар фермерлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этишга, уларнинг масъулиятини оширишга, кўп тармоқли фермер хўжаликларини яна-да тараккий топтиришга, фермерлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсуотини тайёрлаш баробарида, уларни қайта ишлашни кенгайтиришга ҳам замин яратади. Бу эса аграр соҳадаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, юртимиз иқтисодий салоҳиятини яна-да юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Аграр соҳа раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар, тадбиркорлар, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари олдидаги энг асосий вазифа – фармоннинг мазмун-моҳиятини фермерларга, деҳқон хўжаликлари раҳбарларига, аҳолининг барча катламларига етказиш ҳамда унда бажарилишини таъминлашда фаоллик кўрсатишдан иборатдир.

***Б.З.Носиров, и.ф.н., Б.С.Рахмонова (Андимжон Қишлоқ хўжалик институти)***  
**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР**  
**ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА МЕНЕЖЕРЛАРИНИНГ**  
**АҲАМИЯТИ**

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва ўсиши шароитида менежерлар фермер хўжаликларини бозор талабларига мос ҳаракат қилишига, истеъмолчилар талабини ҳисобга олиши, рақобат кураши услубларини ўзлаштириши, товарни сотиш ва силжитишда маркетинг инструментларини қўллаши, тижорат фаолиятида маркетинг стратегиясига таяниши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланишида менежерларининг ўзига хос томонларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Чунки менежерлар ўз касбларини назарий ва амалий асосларини чуқур билишлари тижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва қамайтиришга, унинг ҳар хил муқобил турларини, вариантларининг энг мақбулини танлашга, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли товар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг

турли гуруҳлари учун сотиш, нархини аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳар бир бўлажак бошқарувчи бошқарув соҳасининг назарий ва илмий-услубий жиҳатларини етарли даражада билиши лозим. Бу бошқарувчининг ҳар қандай вазиятларни чуқур таҳлил этиши, мавжуд муаммоларни ҳал этишда оқилона ёндашиши, энг асосийси, ўз касбларининг асл мазмуни ва моҳиятини чуқур англаб олиши кабиларда намоён бўлади.

**Менежер** – бу бошқарув фаолияти билан шугулланувчи ва бозор шароитларида фаолият юритувчи ташкилот фаолиятининг маълумтурлари бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатларга эга бўлган шахсдир. Менежерлар фермер хўжалигида ҳар хил ўринларни эгаллайдилар (раҳбар, агроном, ишларнинг маълум турларининг ташкилотчиси, иқтисодчи ва ҳ.к.), жудаям бир хил бўлмаган масалаларни ечадилар, ҳар хил вазифаларни бажарадилар.

Фермер хўжалиklarини менежерсиз ёки раҳбарсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки улар куйидаги вазифаларни бажарадилар:

- фермер хўжалигидаги алоҳида операциялар ўртасидаги алоқаларни ўрнатадилар;

- фермер хўжалигига раҳбарликни амалга оширадилар, шу билан бирга, обрўси, юқори касбий маҳорати ва ижобий ҳиссиётларидан фойдаланган ҳолда кўл остидагиларни ўзининг орқасидан олиб боришга қодир етакчи ролида бўладилар;

- фермер хўжалиги фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқадилар ҳамда натижаларни учун жавобгарликка эга бўладилар;

- фермер хўжалигига тегишли бўлган шахслар ёки идораларнинг манфаатларини таъминлайдилар, унинг ташқи муҳит (ҳокимият, шериклар ва ҳ.к.) билан алоқаси бўйича асосий бўгин ролини бажарадилар;

- ҳозирги шароитлардаги ўз ўрнини тушунувчи, у ёки бу кашфиёт ёки “ноу-хау”ни баҳолашни билувчи ва уларнинг дарҳол ишлаб чиқариш (тижорат)га татбиқ этувчи инноватор ролида бўладилар;

- гоёни ишлаб чиқадилар, ундаги кучли ва заиф томонларини топадилар, муаммонинг моҳиятига қарашга, ҳақиқатгача суриштириб билишга интиладилар;

- қилинганларни таҳлил қиладилар, баҳолайдилар, ишларининг ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни белгилайдилар ва амалга оширадилар;

- фермер хўжалигини ҳар хил тадбирларда номоён қиладилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, менежернинг вазифалари ва улар амалга оширилаётган вазиятлар турли-тумандир, шунга қарамадан, учта асосийларни ажратиш мумкин.

Биринчидан, менежер фермер хўжалигининг асосий вазифаларини белгилайди, ресурсларни тақсимлаш масалаларини ҳал қилади, жорий тузатишлар киритишни амалга оширади, бунда у қабул қилинган қарорнинг оқибатлари учун жавобгарликка эга бўлади. Шунинг учун менежер нафакат қарорнинг энг яхши вариантини танлаши, балки ўзи раҳбарлик қилаётган жамоани маълум йўналишга олиб боришга жазм қилиши керак.

Иккинчидан, менежер ички ва ташқи муҳит ҳақидаги ахборотларни тўплайди, уларни тарқатади ва, ниҳоят, фермер хўжалигининг мақсадларини тушунтириб беради. Менежернинг ишининг натижаси унинг қанча ахборотга эга бўлишига боғлиқдир.

Учинчидан, менежер фермер хўжалигининг ичидаги ва ташқарисидаги муносабатларни шакллантирувчи, фермер хўжалиги аъзоларини мақсадларга эришишга ундовчи, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи, фермер хўжалигининг вакили сифатида ҳаракат қилувчи раҳбар сифатида бўлади. У одамлар орқасидан боришга тайёр бўлган киши бўлиши керак.

Менежерлар бошқалардан кўра узоқни кўрадиган, бошқалардан чуқурроқ ўйлайдиган, мулоҳаза қиладиган халқпарвар шахс бўлишлари даркор.

ющие в настоящее время элементы инфраструктуры государственной поддержки малого предпринимательства многообразны, что соответствует разнообразию видов услуг, необходимых для развития малого предпринимательства, но одновременно отражает и существующую неопределенность в подходах к организации поддержки малого предпринимательства, разное понимание того, какие задачи и функции должны выполнять те или иные структуры.

Формы поддержки малого и среднего бизнеса Государством совместно с рядом общественных предпринимательских структур определены шаги по совершенствованию нормативно-правовой базы, финансово-кредитной и инвестиционной поддержки малого предпринимательства, налаживаются межрегиональные и международные контакты в сфере малого предпринимательства. Основными формами осуществления поддержки малого и среднего предпринимательства являются: кредитно-финансовая; производственно-технологическая; информационная; обучение. Кредитно-финансовая поддержка имеет большое значение для развития малого и среднего предпринимательства. Она должна сочетать оптимизацию налоговых льгот, развитие системы кредитования и создание благоприятного климата с участием финансовых институтов и других организаций. Сочетание мер прямой и косвенной поддержки должно способствовать формированию необходимого стартового капитала для вновь создаваемых предприятий.

Математическое моделирование экономических явлений и процессов является важным инструментом экономического анализа: дает возможность получить четкое представление об исследуемом объекте, охарактеризовать и количественно описать его внутреннюю структуру и внешние связи.

Здесь мы имеем в виду возможность моделирования как отдельно взятый объект бизнеса, так и оптимальное сочетание крупного, среднего и малого бизнеса.

С помощью электронных моделей возможно моделировать оптимальное сочетание крупного, среднего и малого бизнеса. В данном случае возможно использование критерия эффективного использования различных природных ресурсов.

При экономико-математическом моделировании часто возникает ситуация, когда изучаемая экономическая система имеет слишком сложную структуру, не разработаны математические методы, схемы, которые бы охватывали все основные особенности и связи этой системы. Такой экономической системой, например, является экономика предприятия в целом, в ее динамике, развитии. Возникает необходимость упрощения изучаемого объекта, исключения и анализа некоторых его второстепенных особенностей с тем, чтобы подвести эту упрощенную систему под класс уже известных структур, поддающихся математическому описанию и анализу. При этом степень упрощения должна быть такой, чтобы все существенные для данного экономического объекта черты в соответствии с целью исследования были включены в модель. Такая модель, по нашему мнению, наиболее подходит при моделировании малого бизнеса, поддерживаемого Государством или крупным предприятием.

***Б.З.Носиров, Б.С.Рахмонова (Андижон Қишлоқ хўжалик институти)***  
**МИНТАҚАВИЙ ДАРАЖАДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ**  
**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мамлакатимизда иктисодиётни модернизациялаш шароитида иктисодий ислохотлар босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш мамлакатни модернизация қилиш, шу асосида Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истикболли йўналишларни амалга оширишга, иктисодиётни барқарор ўсиш суръатларини саклашга қаратилган иктисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан олиб борилаётган иктисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳатлардан бири – бу кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосида ялпи ички маҳсулоти ҳажмини кескин ошириш, аҳолининг иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда миллий фаровонликни таъминлашдан иборатдир. Йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мойил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, шу билан бирга, бозор конъюктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослашувчандир.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг кучли механизми ишлаб чиқарилиши натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётимиздаги ўрни сезиларли даражада ўсиб, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва уларнинг фаровонлигини оширишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Жумладан, кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда, ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарама-сан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Фикримизча, ҳудудларда кичик бизнес таркибий ривожланиши унинг турли қисм ва бўлақлари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатларнинг мувофиқлиги, уларнинг саноат соҳасидаги ҳолатини яхшилаш ва мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини оширишда ва соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ва мақсадли дастурлар қабул қилинишда ижтимоий-иқтисодий вазият мавжуд омил ва шарт-шароитлар баҳоланиши ҳисобга олиниб, қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- Ҳудудларнинг барча туман, шаҳар кишлоқларида инвентаризация ўтказиш, яъни кишлоқлардаги мавжуд омилларни аниқлаш асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги ҳужжатлар таёрлаш, аҳолининг бандлик ҳолати, маҳаллий ҳомашё ресурслар мавжудлиги, табиий-иқтисодий шарт-шароитларни ўрганган ҳолда ривожланиш имкониятларига эга бўлган кишлоқларда кичик корхоналар ташкил этиш йўналишларини белгилаб олиш ва шунга мувофиқ уларни жойлаштириш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

- Ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришда қулай бизнес ва тадбиркорлик муҳитини шакллантиришда ҳудудлар саноатининг ихтисислашувини инобатга олиб, хорижий инвесторлар ҳамкорлигида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, туманларда пахтани қайта ишловчи корхоналар қуриш ва уларнинг йирик корхоналар билан кооперациясини кенгайтириш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатни жадал ривожлантириш негизида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр истеъмол маҳсу-

лотлари ишлаб чиқаришга ўтиш, шунга мувофиқ инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик бериш лозим.

Айниқса замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб, замон талабига жавоб берувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, инновацион лойиҳа ва ишланмаларни амалга оширувчи кичик корхона ва микрофирмаларни устувор даражада ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, кичик корхоналарнинг “хаётий даврий” ривожланиш йўналишини кучайтириш, яъни уларнинг аста-секин йирик корхоналарга ўсиб боришини рағбатлантирувчи иктисодий механизмни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

*Д.Худайберганиев (УрДУ туризм кафедраси доценти),*  
*Ф.Собуров (УрДУ “Туризм” мутахассислиги II босқич магистранти)*  
**МИЖОЗЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ИШЛАШДА РЕКЛАМА  
КОМПАНИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИ**

Маълумки, реклама – бу потенциал миқозлар эътиборини кенг жалб қилиш мақсадида компаниянинг хизматлари, маҳсулотлари ёки бошқа ҳаракатлари ҳақида ахборот тарқатиш учун мўлжалланган маркетинг воситаси ҳисобланади. Бироқ ҳозирги кунда реклама, энг аввало, ахборот тарқатишнинг энг самарали муҳити сифатида турли ижтимоий тармоғи билан боглиқ юксак технологияларнинг натижасида ривожланиб бормоқда.

Рекламани ташкил этиш ва амалга ошириш бевосита реклама компаниялари (ёки реклама агентлиги) томонидан амалга оширилади. Уларнинг бажарадиган вазифалари тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу борада 1998 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонун 30 та моддадан иборат. Мазкур қонуннинг 4-моддасида реклама берувчи – рекламани тайёрлаш ва тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс, реклама тайёрловчи – реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахс, реклама тарқатувчи – реклама воситалари орқали реклама тарқатишни амалга оширувчи шахс, рекламадан фойдаланувчи – реклама йўналтирилган шахс ёки шахслар гуруҳи, деб таъкидланган. Ушбу реклама берувчининг талабига биноан, рекламани тайёрловчи субъект реклама компаниялари ҳисобланади.

Шунингдек, қонуннинг 9-моддасида реклама агентлиги, яъни реклама тайёрловчи ва тарқатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгаллиги ҳам келтирилган:

– оммавий оферта йўлланган шахсдан белгиланган тартибда акцепт олганидан сўнг реклама берувчи шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда, бу шахсни шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги ҳамда реклама берувчининг шартнома тузишни асоссиз равишда рад этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш;

– қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда реклама берувчидан тегишли лицензияни талаб қилиш. Бироқ қонунга асосан, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи қуйидаги ҳолларда ёки реклама берувчи қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ахборот берган тақдирда реклама берувчини ўз вақтида хабардор этиши;

– ушбу қонунда белгиланган реклама фаолияти ва ҳомийлик қондаларини бажариши;

– ахборот ёки бошқа материалларни берган шахс тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз ошкор қилмаслиги;

Реклама компанияларининг самарали ишлаши унга алоқадор хорижий тажрибалар билан бевосита боглиқ. Унга асосан, хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган реклама компаниялари хизмат кўрсатишга ихтисослашган тизим шаклида аҳолига ўз хизматларини кўрсатмоқдалар. Ана шундай компаниялардан бири AdShot Creative ижодий реклама агентлиги бўлиб, ушбу компаниянинг ишига ҳаёт учун муайян ёндашув хос. Мазкур тўлиқ циклдаги реклама компанияси қуйидаги соҳаларга ихтисослашган:

– креативлик (ижодкорлик): комплекс реклама тасвирлари, мульти-DM алоқа, қадоклаш дизайни ва марка китоб яратиш;

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ		3
<b>1-СЕКЦИЯ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНА-ДА МУСТАҲКАМЛАШ, ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲИСОБИГА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>		
1.	<b>С.С.Гулямов, Б.Гайибназаров.</b> Ўзбекистан на новом пути развития и прогресса	5
2.	<b>С.С.Гулямов, Б.Гайибназаров.</b> Ўзбекистан на новом этапе социально-экономических реформ	9
3.	<b>С.С.Гулямов, А.Т.Шермухамедов.</b> Проблемы развития туризма в Евразийском экономическом пространстве	12
4.	<b>Б.К.Гойибназаров, А.Ж.Сиддиков.</b> Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсish суръатларига таъсир килувчи омиллар	14
5.	<b>А.Садуллаев.</b> Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг янги тенденциялари	16
6.	<b>А.Садуллаев.</b> Туризмни ривожлантиришда инсоннинг рекреация эҳтиёжларини ўрганиш	18
7.	<b>М.Н.Ахмедова.</b> Миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни ривожлантиришда ахборотлаштирилган жамиятнинг роли	19
8.	<b>Х.М.Абдуллаев.</b> Ҳозирги даврда неолиберализмнинг асосий белгилари	21
9.	<b>М.С.Аминова.</b> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳаракатлар стратегияси”да туризм соҳасини ривожлантириш масалалари	22
10.	<b>Н.Б.Файзуллаев, Ж.А.Султанов.</b> Глобаллашув шароитида ностандарт бандлик шакллари ривожланиши	24
11.	<b>Б.Матжонов.</b> Мамлакатимизда бозор мувозанатини таъминлашни такомиллаштириш масалалари	25
12.	<b>С.Б.Бобоқулов.</b> Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислох қилиш йўллари	26
13.	<b>I.B.Matkarimov, U.Sh.Satimboyev.</b> O'zbekistonda oziq-ovqat sanoatini rivojlantirishning ahamiyati	28
14.	<b>Н.Б.Хайтбоева.</b> Ўзбекистон иқтисодиётида енгил саноат тармогининг ривожланиш истикболлари	30
15.	<b>S.M.Rahimova, U.Rajabov, M.Otabayeva.</b> Mehmonxonalarda turistik xizmatlar ko'rsatishni takomillashtirish xususiyatlari	32
16.	<b>S.M.Rahimova, T.Sadullayev, A.Sheripboyeva.</b> Iqtisodiyotda investitsiya loyihalarini ishlab chiqishning o'ziga xos xususiyatlari	33
17.	<b>E.B.Ibadullayev, F.Matkarimov.</b> Turizmда xavfsizlik turlari va uning muhim xususiyatlari	35
18.	<b>Sh.R.Jumaniyazova, B.Ollanazarov, D.Saidov.</b> O'zbekistonda innovation iqtisodiyotning rivojlanish istiqbollari	37
19.	<b>Sh.R.Jumaniyazova.</b> Mintaqa sanoat korxonalarini innovatsion faolligini oshirish yo'nalishlari	39
20.	<b>Б.Рузметов, Б.Матжонов.</b> Факторы обеспечения ускоренного социально-экономического развития регионов	41

<b>2-СЕКЦИЯ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ВА ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ҲАМДА ЭКОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>		
21.	<b>Р.Д.Дусмуратов, О.Р.Файзиев.</b> Соя етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари	44
22.	<b>Б.К.Гойибазаров, О.А.Қутлиев, А.Ж.Сиддиқов.</b> Гўшт йўналиши бўйича қорамолларнинг маҳсулдорлигини таҳлил қилишнинг индекс услуби	46
23.	<b>А.М.Кадыров, Н.Шамсуддинов.</b> Кластеры как инструмент регионального развития	49
24.	<b>Д.К.Ахмедов.</b> Совершенствование государственного регулирования регионального развития	50
25.	<b>А.Т.Ахмедиева.</b> Алгоритм формирования региональных межотраслевых кластеров в текстильной промышленности	52
26.	<b>Д.А.Алимханова.</b> Зарубежный опыт образовательных технологий по работе с одарёнными детьми	54
27.	<b>К.Ражапов.</b> Аграр соҳа ривожиди муҳим қадам	56
28.	<b>Б.З.Носиров, Б.С.Рахмонова.</b> Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиқларини барқарор ривожланишида менежерларнинг аҳамияти	57
29.	<b>М.Қобулова, Б.Рахмонова.</b> Қишлоқ хўжалиғида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг ўзига ҳос хусусиятлари	59
30.	<b>Б.С.Рахмонова, Д.Д.Джалалова.</b> Сельское хозяйство Узбекистана: время великих свершений	60
31.	<b>А.К.Альмов, С.К.Салаев.</b> Экологик туризмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва асосий тамойиллари	63
32.	<b>Б.В.Насимов.</b> Қишлоқ хўжалиғи қорхоналарининг инновацион ривожланишини бошқариш	67
33.	<b>Б.В.Насимов.</b> Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиғи тармоғини инновацион бошқарувининг ҳозирги ҳолати таҳлили	69
34.	<b>А.Сиддиқов.</b> Иқтисодийни модернизациялаш шароитида уй-жой қурилиши ислохотлари ва уларни чуқурлаштириш йўллари	72

<b>3-СЕКЦИЯ. ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ, КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ МАВҚЕИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>		
35.	<b>С.С.Гулямов, О.А.Шермухамедов.</b> Пути совершенствования системы управления персоналом в малом бизнесе	75
36.	<b>С. Гулямов.</b> Дальнейшего совершенствования корпоративного права в Узбекистане	77
37.	<b>Т. Досчанов.</b> Минтақада “электрон ҳукумат” тизими ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш	80
38.	<b>Т.Досчанов, Ж.Атаев, А.Досчанов.</b> Инновациявий агробизнесни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлаш масалалари	82
39.	<b>Т.Досчанов.</b> Тадбиркорлик фаолияти бошқарув тизимида этика тартиб-қоидалари аҳамиятининг ошиб бориши	85
40.	<b>Т.Досчанов, А.Досчанов.</b> Тадбиркорликни экологик бошқарув тизими иқтисодий рағбатлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари	87

41.	<b>Т.Досчанов, А.Досчанов.</b> Экологик менежмент – ижтимоий-иқтисодий тадбиркорлик бошқарувининг муҳим омили	<b>89</b>
42.	<b>Б.Рузметов, М.Машарипова.</b> Ўзбекистонда бизнес юритишнинг жаҳондаги эътирофи	<b>92</b>
43.	<b>С.Салаев, Б.Таджиев.</b> «Doing business» халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни	<b>94</b>
44.	<b>С.Салаев, Б.Таджиев.</b> Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамгармаси	<b>96</b>
45.	<b>Г.Ш.Хонкелдиева.</b> Корпоратив бошқарувда менежерлар манфаатини тартиблаштириш модели	<b>97</b>
46.	<b>С.Х.Ахмедова.</b> Особенности развития малого бизнеса и предпринимательство на современном уровне	<b>101</b>
47.	<b>Б.З.Носиров, Б.С.Рахмонова.</b> Минтакавий даражада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хусусиятлари	<b>103</b>
48.	<b>Д.Худайберганов, Ф.Собуров.</b> Мижозлар билан самарали ишлашда реклама компанияларнинг тутган ўрни ва фаолияти	<b>105</b>
49.	<b>Ш.Кувондиқов, Х.Хасанов.</b> Онлавий тадбиркорликни тадқиқ этишнинг услубий жиҳатлари	<b>108</b>
50.	<b>М.Аминова.</b> Ресторан бизнесини ривожлантиришда маркетингнинг тутган ўрни	<b>110</b>
51.	<b>К.Р.Атабоева.</b> Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирларининг аҳамияти	<b>112</b>
52.	<b>О.А.Арипов.</b> Туризм бизнесини ривожлантиришдаги ҳудудий муаммолар	<b>114</b>
53.	<b>У.У.Иноятов.</b> Ҳудудий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатини статистик баҳолаш	<b>116</b>
54.	<b>М.А.Машарипова.</b> Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари	<b>120</b>
55.	<b>Б.Р.Матжонов.</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари	<b>122</b>
56.	<b>I.B.Matkarimov, G.M.Aminova.</b> The prospective directions of social entrepreneurship and their importance in market economy	<b>123</b>
57.	<b>F.Nasretdinova.</b> Jamiyat farovonligini oshirishda davlatning ijtimoiy siyosati	<b>125</b>
58.	<b>Д.И.Рузметов.</b> Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда дастурларнинг моҳияти	<b>127</b>